Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

27 июль, пайшанба, 1995 йил

Сотувда эркин нархда. № 143 (1145)

## В. ЧЕРНОМИРДИННИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатлар янгича шаклланиш босқичига кирди. Икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари 1992 йилнинг мартида ўрнатилган эди. Ўша йили май ойида президентлар Ислом Каримов ва Борис Ельцин давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, бир қанча муҳим ҳукуматлараро ҳужжатларни имзоладилар.

Президент Ислом Каримовнинг 1994 йилнинг мартида Россия Федерациясига расмий сафари чоғида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ва бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқалари ўзаро манфаатли асосда ривож топмоқда. Мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзаро ташрифлари бу алоқаларни кенгайтириш йўлида муҳим босқич бўлаётир. Шу боис, Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Черномирдиннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи катта қизиқиш билан кутилаётир.

26 июль куни Россия Федерацияси ҳукумат раиси Виктор Черномирдин раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизга расмий ташриф буюрди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон шарафига Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари кўтарилди.

Россия Федерацияси ҳукумати раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этдилар.

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиялари янграганидан сўнг Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Россия Федерацияси ҳукумат раҳбари ва Ўзбекистон Президенти расмий делегация аъзолари билан танишдилар.

Аэропортнинг ўзидаёқ Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин ўзаро қисқа мулоқотда бўлди. Мамлакатимиз Президенти олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон заминига ташрифи билан қутлаб, сафарининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Россия ҳукумати раиси ташрифи чоғида Ўзбекистон Президенти билан музокаралар ўтказади.

(ЎзА).

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА СУҲБАТ

26 июль куни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов Покистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шавкат Али Шайхни унинг илтимосига мувофиқ қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида иккала мамлакат ўртасида парламент алоқаларини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Элчи Э. Халиловга Покистон Миллий Ассамблеясининг Спикери Саед Юсеф Резо Гелонийнинг Ўзбекистон Парламент делегацияси бошчилигида Покистонга ташриф буюриш ҳақидаги таклифини топширди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

## ПАХТА ТЕРИМИ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН

26 июль куни Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлди. Кенгашни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Кенгашда вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, агросаноат уюшмалари ҳамда бошқа ташкилот ва уюшмалар раҳбарлари ва республика пахта комплекси билан боғлиқ бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Кенгашда Вазирлар Маҳкамасининг қарорини амалга ошириш, барча тайёргарлик ишларини белгиланган муддатда уюшқоқлик билан бажариш ва сифатли хомашё олиш учун қарордаги барча қоидаларни оғишмай бажариш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎзА).

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ СУҒУРТА ЙЎЛИ БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ АГЕНТЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик ҳаракатининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ҳамда кредиторларга қарз капитали эвазига кафолатлар берилишини кўзда тутувчи дастурларни рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўздеҳқончиликсаноатбанк», «Тадбиркорбанк», «Савдогарбанк», «Мевасабзавотбанк»нинг, Тадбиркорлар уюшмасининг, Шахсий ёрдамчи хўжаликлар уюшмасининг, Ишбилармон хотин-қизлар уюшмасининг «Мадад» суғурта агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

«Мадад» агентлиги муассисларининг агентлик устав жамғармасини 10 миллион сўм миқдорида шакллантириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Мадад» суғурта агентлиги:

юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади ва ўз фаолиятини уставга мувофиқ тўла хўжалик ҳисоби принциплари асосида ташкил этади, Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда ўз бўлинмаларига эга бўлади;

хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес-фонд) билан яқин алоқада ишлайди, белгиланган тартибда таклиф ва лойиҳалар экспертизасини, шунингдек, Бизнес-фонд томонидан қарз олувчиларга кредит ажратиб бериш учун асос бўладиган суғурта полиси берилишини таъминлайди.

3. Қуйидагилар «Мадад» суғурта агентлиги фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

— хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнесга кредитлар, шу жумладан, имтиёзли кредитлар олиш учун тақдим этиладиган инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва экспертиза қилиш;

— тадбиркорлик таваккалчиликларидан имтиёзли шартлар асосида суғурта йўли билан ҳимоя этиш, кредитлар қопланмаганлиги учун қарздорнинг масъулиятини суғурталаш;

— республикада хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтириладиган хорижий сармояларнинг суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

4. «Мадад» агентлигининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги унинг суғурта жамғармасини шакллантиришга 100 миллион сўм миқдорида фоизсиз ссуда ажратиб берсин.

5. «Мадад» суғурта агентлиги қонунда белгиланган солиқлар, шунингдек, мажбурий тўловлар тўлашдан уч йилга озод қилинсин, маблағларнинг шу қисми суғурта жамғармасини тўлдиришга ва уни техника билан жиҳозлашга сарфланиши белгилаб қўйилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида «Мадад» суғурта агентлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 июль.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ (БИЗНЕС-ФОНД)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, республика минтақаларида иқтисодиётнинг нодавлат сектори ишлаб чиқариш — молиявий салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи Фонд муассисларининг мазкур фонд негизида очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти шаклида жойларда ҳудудий бўлинмаларига эга бўлган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Фонди (Бизнес-фонд)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Шу нарса маълумот учун қабул қилинсинки, уставга мувофиқ Бизнес-фонд ихтисослаштирилган нодавлат ташкилоти бўлиб, хусусий тадбиркорликка ва кичик бизнесга қуйидаги йўллар билан мадад кўрсатади:

хусусий тадбиркорларга ва кичик бизнесга кредитлар, шу жумладан, имтиёзли кредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини пул билан таъминлаш;

хусусий корхоналар ва кичик бизнеснинг устав сармоясида қатнашиш;

хусусий тадбиркорларга ҳамда кичик бизнесга маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техникавий кўмак бериш.

3. Қуйидагилар Бизнес-фонд ресурсларининг манбалари этиб белгилансин:

давлат мулкини сотишдан тушган маблағларнинг, давлат мулки иштирокидаги ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятидан давлатга тегишли бўлган дивидендларнинг 50 фоизи;

иш билан таъминлашга кўмаклашувчи фондга тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг маблағлари;

хорижий юридик шахслар ва халқаро молия ташкилотларининг маблағлари.

4. Белгилаб қўйилсинки:

юқорида кўрсатилган маблағлар Бизнес-фонд томонидан қайтариб бериш шартлари асосида жалб этилади ва унинг «Ўзтадбиркорбанк»даги ҳисоб варағида жамланади. Устав фондининг маблағлари ҳам худди шу ҳисоб варағига ўтказилади.

Бизнес-фонд кредитларни одатда «Мадад» суғурта агентлиги томонидан қарз олувчига берилган суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда «Ўзтадбиркорбанк» орқали ажратиб беради.

5. Бизнес-фондни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Бизнес-фонднинг бошланғич сармоясини шакллантириш ва уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун 100 миллион сўм пул ажратиб берсин.

6. Бизнес-фонд давлат томонидан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб 3 йил мобайнида қонунда белгиланган солиқларни, шунингдек, мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилсин, бунда бўшаган маблағларни Бизнес-фонднинг сармоясини кўпайтиришга ва уни ривожлантиришга сарфлаш шарт қилиб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида» 1993 йил 21 июлдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармоннинг ижро этилишига оид қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 июль.

## ҲАМКОРЛИК МЕВАЛАРИ

Словакия металлургия заводидан Андижон вилоятига минг тоннадан ортиқ катта диаметрли пўлат қувурлар келди. Улар «Хонобод-Андижон» сув қувурининг иккинчи навбатини қуриш учун ишлатилади. Бу битимни амалга оширишда Австриянинг «Алтро» воситачи фирмасининг хизмати катта. Фирма Андижонда ваколатхона очган. Шуни ҳам айтиш керакки, бу тақчил маҳсулот Ўзбекистоннинг миллий валютаси — сўмга сотиб олинган.

Битим вилоятни ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Андижонликлар ва бир қанча туманларнинг аҳолиси «Хонобод-Андижон» қувури орқали Андижон сув омборидан келаётган сифатли сувдан фойдаланмоқда. Унинг биринчи навбати ишга туширилиши катта воқеа бўлган, аммо пўлат қувурлар етишмаслиги сабабли иккинчи навбатини қуриш ва ишга тушириш ишлари тўхтаб қолган эди. Айни пайтда «Алтро» фирмаси ёрдамга келди.

(ЎзА).

## ДОРИ-ДАРМОНЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Тошкентда тиббиёт фаолларининг республика йиғилиши бўлди. Унда дорихона хизмати раҳбарлари ва мутахассислари, даволаш-профилактика муассасаларининг бош шифокорлари, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари иштирок этишди. Аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини шифо воситалари билан ишончли таъминлаш вазифалари муҳокама этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, дорихоналарни хусусийлаштиришнинг биринчи босқичи натижасида аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашнинг энг кескин муаммолари ҳал этилди. Лекин ҳали дори-дармонлар тақчиллиги тугатилган эмас. Айрим турдаги дори-дармонларни етказиб бериш қониқарсиз аҳволда. Буларнинг ҳаммаси ҳамон эскича ишлаётган айрим раҳбарларнинг бепарволиги, Ўзбекистоннинг фармацевтика заводларида ишлаб чиқарилаётган дори-дармонларни тақсимлаш устидан назоратнинг самарали тизими йўқлиги, дори-дармон ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида бевосита алоқа ўрнатилмагани оқибатидир, деб таъкидланди йиғилишда.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).

## ЧИН КЎНГИЛДАН ҲАДЯ

Германия федерал ҳукумати Тошкент шифохоналарига умумий қиймати 20 миллион немис маркасидан кўпроқ турадиган антибиотикларни, яраларни боғлаш материалларини совға қилди. Бу хайрия тадбири «Германия-Ўзбекистон» жамиятининг Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси билан мустаҳкам ҳамкорлигининг натижасидир.

Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Карл Хайнц Куна «Она ва бола» республика марказига дори-дармонларни топширар экан, бу ёрдам Германия ҳукуматининг, унинг халқининг ўтиш даврининг қийин шароитида ўзи танлаб олган бозор ислоҳотлари йўлини қатъият билан ўтказаётган Ўзбекистоннинг меҳнатсевар халқига самимий дўстлик туйғуларининг ифодаси эканини таъкидлади. Келгусида Ўзбекистоннинг даволаш муассасаларини энг янги тиббий асбоблар билан жиҳозлашда ёрдам бериш, Германиянинг энг яхши клиникаларида ўзбекистонлик тиббий мутахассисларни тайёрлаш режалаштирилмоқда.

(ЎзА).

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Фарғонада вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишини яхшилаш масаласи муҳокама этилди.

Йиғилишда уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик, бошқа турдаги жиноятчиликка қарши кураш борасида муайян ишлар қилинганини таъкидланди. Бироқ бу борада талайгина нуқсон ва камчиликлар ҳам борлиги, айниқса, вояга етмаган ёшлар билан ишлашни кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими М. Исломов сўзга чиқди.

(ЎзА).

## САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ

Тошкентнинг энг серқатнов кўчаларидан бири — Ҳамза кўчаси қайта қурилмоқда. Илгари автотранспорт ҳайдовчилари Гоголь кўчаси билан Азимов кўчаси оралиғида трамвай йўлини икки марта кесиб ўтишга мажбур бўлардилар. Эндиликда йўлнинг ана шу қисми тўғриланиб, кенгайтирилмоқда. Бинобарин, йўл ҳаракати бехатар бўлади.

Шу атрофда истиқомат қилувчилар йўлни қайта қуриш бошланишидан олдин йўл четидаги яшил хиёбон нима бўлади, бу ердаги шумтол ва эманлар кесилиб кетмайдими, дея ташвишга тушган эди. Тошкент ҳокимлиги ободонлаштириш бош бошқармаси мутахассисларининг гапига қараганда, хиёбон сақлаб қолинади, атиги бир неча дарахт кесилади, холос.

(ЎзА).

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

## ИЧИМЛИК СУВ СЕРОБ БЎЛАДИ

***Оролбўйи минтақасидаги йирик юбилей иншооти — «Туямўйин-Нукус-Тахтакўпир» сув қувурининг бир меъёрда ишлашини таъминловчи насос станцияси иккинчи навбати қурилиши ниҳоясига етай деб қолди.***

Халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси кўмагида бунёд этилаётган ноёб иншоот Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. 380 километрли об-ҳаёт қувури орқали ҳар кеча-кундузда 170 минг кубметр сув ўтади. Бу эса Амударё ўнг қирғоғидаги Нукус шаҳри ва тўққизта туман аҳолисини ичимлик сув билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

## УЗОҚҚА БОРИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ



**Чортоқ туманидаги «Чортоқ тола» ҳиссадорлик жамияти қошидаги тикувчилик фабрикасида асосан, эркаклар кўйлаклари тикилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё Наманган ва Андижон вилоятларидаги тўқимачилик комбинатларидан олиб келиняпти. Тайёр маҳсулотларнинг аксарият қисми Андижон, Наманган, Қўқон, Тошкент шаҳарларининг савдо тармоқларига пешма-пеш жўнатиб турилибди. Корхонада 105 тикувчи меҳнат қиляпти.**

**Улар шу йилнинг биринчи ярмини 152 минг сўмлик соф даромад билан якунладилар.**

**Суратда: тикувчи Нурхон Ғозиева.**

## ОНАЛАР МАРКАЗИ

***Хонқа туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида «Она ва бола» маркази очилди.***

Туман хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси ва ҳомийлигида ишга туширилган бу марказда қизларга уй-рўзғор юритиш, бола тарбияси, шарқона аҳлоқ-одоб, миллий урф-одатлар, бичиш-тикиш, пазандалик сирлари ўргатилади. Туман хотин-қизлар қўмитаси барча хўжаликларда шундай марказ очишни мўлжалламоқда.

## ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

***Қува тумани Мусажон Шербўтаев номидаги жамоа хўжалигида «Аҳрор» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси иш бошлади.***

Бу ерда ҳар кеча-кундузда 12 тонна сут қайта ишланиб, сарёғ, пишлоқ, сузма сингари маҳсулотлар тайёрланади. Бошқа цехда эса турли кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилади. Яқинда гўштни қайта ишлаш цехи ҳам очилади.

## «ШУЪЛА» МАРМАРИ ЖИЛОСИ

***Беруний шаҳридаги «Шуъла» корхонаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, ҳар ойда аввалгидан уч баравар зиёд — 500 куб метр мармар плита тайёрлана бошланди.***

Ишчиларнинг масъулияти ошди, тартиб-интизом мустаҳкамланди. Энг муҳими, етарли меҳнат шароити яратилди. Замонавий дастгоҳлар ўрнатилиши туфайли маҳсулот сифати яхшиланди. Қорақалпоғистондаги кўпгина муҳташам биноларга «Шуъла» мармари жило берадиган бўлди.

## АВЖИ БАЛАНД



**Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги Н. Муродов номли жамоа хўжалиги пахтазорларида ғўзалар кўсаклай бошлади. Деҳқонлар бу йил 3730 гетарлик майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил олишни режалаштиряпти.**

**Суратда: бригада саркори М. Шоймардонов.**

## БОБУРИЙЛАРГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ

***Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, шу билим даргоҳи қошида ташкил этилган «Мерос» илмий-маърифий марказининг раҳбари Р. Шамсуддинов шогирдлари билан бирга «Буюк Бобурийлар салтанати» китобини ёзди.***

Бобур халқаро илмий экспедицияси таркибида сафар қилган андижонлик тарихчи олимнинг бу рисоласида Бобурийлар сулоласи тўғрисида кўпгина янги маълумотлар жамланган.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БУГУНГИ БОСҚИЧИДА МУНОСАБАТЛАРНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИБ,

***Республика Вазирлар Маҳкамасининг бу йил етиштирилган мева-сабзавот ҳосилининг исроф бўлишига йўл қўймаслик, уни харидорларга қисқа муддатда сифатли етказиб беришга қаратилган кўрсатмаси агросаноат ходимлари зиммасига катта масъулият юклади. Чунки у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамдир. Шу мақсадда мева-сабзавот маҳсулотларини сотишни мунтазам таҳлил қилиб бориш учун тузилган махсус комиссия фаолияти бу жараённи мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам амалга оширилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш имконини беради.***

## ХОРИЖГА МАҲСУЛОТ СОТИШ ҲАМ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА



**«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» АССОЦИАЦИЯСИ РАИСИ Б. НОСИРОВ БИЛАН СУҲБАТ**

**— Баҳром Нозимович, сиз бошчилик қилаётган ассоциацияда давлат мулкини ислоҳ қилиш қандай бормоқда?**

— «Ўзмевасабзавотузумсаноат» ассоциацияси ҳукуматимизнинг иқтисодий ислоҳотлар бўйича қабул қилган қарорига амал қилган ҳолда давлат мулкини ислоҳ қилишни, қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва сотишни давом эттирмоқда. Мана айрим рақамлар. Ҳозиргача корхоналарнинг 85 фоиздан ортиғи, яъни 543 таси мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтказилди. Қишлоқ хўжалигида 2689 та деҳқон (фермер) хўжаликлари тузилди. Шуларнинг 651 таси ҳокимликларда рўйхатдан ўтган. 850 дан зиёд фермер чорвачилик билан шуғулланмоқда. Бизда чорвачилик фермаларини ким ошди савдоси орқали сотиш бошланди. Масалан, Наманган вилоятида иккита ферма ўн олти миллион сўмга сотилди. Бу кўпми ёки камми? Ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Муҳими жараён бошланди?

**— Бу ёғи қандай бўлади?**

— Жиззах ва Самарқанд вилоятларида фермаларни кимошди савдоси орқали сотиш бўйича ҳужжатлар мажмуи тайёрланди. Жами майдони икки ярим минг гектар бўлган кичик ҳажмдаги боғ ва токзорлар сотилди.

**— Ҳиссадорлик бозор иқтисодига ўтишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Сиз раҳбарлик қилаётган тармоқларда бу муаммолар қандай ҳал этилмоқда?**

— Очиқ усулдаги ўттиз тўртта ҳиссадорлик жамияти акциялар чиқариш учун Молия вазирлигидан руҳсат олди. Шундай жамиятларнинг ўн учтаси ўз акцияларининг эркин қисмидан йигирма миллион сўмликдан зиёд акция сотдилар. «Мастона», «Шаҳрисабзконсерва» ҳиссадорлик жамиятлари қимматбаҳо қоғозларнинг иккинчи эмиссияси бўйича ишларни бошлаб юбордилар. Бошқа корхоналарни ҳам ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш борасидаги ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

**— Менда шундай савол туғилди. Бу ароқ-вино ишлаб чиқаришга тааллуқлидир. Чунки у ҳар бир давлат даромадининг муҳим қисми ҳисобланади. Аммо спиртли ичимлик, аввало, сифатли бўлиши керак. Ана шу масалада бизда аҳвол қандай?**

— Йилнинг иккинчи чорагида биринчи чорагига нисбатан вино, ароқ-ликер маҳсулотлари, коньяк ишлаб чиқариш кўпайди. Шу йил июнь ойидан бошлаб акциз солиғининг қайта кўриб чиқилиши Ўзбекистондаги ва унинг ташқарисидаги савдо корхоналарига маҳсулот етказиб беришга имкон берди. Бу соҳада ҳам, бошқа соҳаларда ҳам биз ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидамиз. Шу мақсадда турли чет эл фирмалари билан алоқалар боғланмоқда. Қўшма корхоналар ташкил этиляпти. Шулардан бири Тошкент шампан винолари заводи ва Италиянинг «Гардавани» ҳамда Германиянинг «МЭМ» фирмаси ҳамкорлигида тузилган қўшма корхонадир. Бизнинг «Фараон» фирмамиз италиялик ҳамкасблар билан биргаликда



вино ишлаб чиқарадиган «Фар-Итал» қўшма корхонасини ташкил этди.

**— Жорий йилда дала ва боғларда мўл ҳосил етиштирилди. Бу яхши албатта. Аммо катта меҳнат эвазига бунёдга келган мева, сабзавот, узумни нобуд қилмай қайта ишлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борадаги ишлар қандай аҳволда?**

— Бу йилги мева-сабзавот ҳосилини нобуд бўлишига йўл қўймаслик бўйича Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатмаси муҳим ва долзарбдир. Биргина бизнинг ассоциациямиз тасарруфидаги хўжаликлар бир неча миллион тонна сабзавот, мева, узум топширадилар. Ҳамма консерва заводлари уч сменада ишлашга ўтказиляпти. Бу мавсумий ишчилар сони анча ортади демакдир. Дала ва боғлардан терилган ҳосил тезлик билан фақат консерва заводлари, омборхоналаргагина топширилиб қолмасдан қўшни мамлакатларда, жумладан, Россияда ҳам сотилиши керак. Бу борада ҳукумат қарори билан махсус тузилган комиссия ўз сўзини айтиши даркор. Савдони тез ва самарали ташкил этолмасак ҳеч қачон бой бўлмаймиз.

**— Жаҳондаги етакчи фирмалар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликда ишланса янада бой бўлиш мумкин. Шундай эмасми?**

— Албатта. Консерва саноатининг ўнта корхонасида томат-пастани ламинирланган идишга солиш бўйича линияларни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Хорватиянинг «Бирлик» фирмаси билан хорижий технологик линияларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича, Италиянинг «Боттеро» фирмаси билан Андижон ва Хоразм вилоятларида шиша ва полимер идишлар ишлаб чиқариш бўйича битимлар имзоланди. Ҳиндистоннинг «Акшай-интернейшнл» фирмаси билан тузилган шартномага мувофиқ янги Тошкент консерва комбинатида кетчуп ишлаб чиқарадиган ускуналар ўрнатилмоқда. Бундан ташқари қатор аҳамиятга молик шартномалар бор.

Ишлаб чиқарган маҳсулотларимизни чет элларда сотиш ҳам йўлга қўйилмоқда. Хусусан, Наманган консерва заводи Италияга 750 тонна томат паста, Германияга 300 тонна консерваланган олма шарбати етказиб берди. Шаҳрисабзликлар Венгрияга 400 тоннадан зиёд қуюлтирилган помидор шарбати жўнатишди. Шартнома мажбуриятлари вақтида бажариляпти.

**— Маълумки, об-ҳаво яхши келганлиги туфайли бу йил боғ ва токзорларда ҳосил мўл бўлди. Бундан ҳам кўп маҳсулот олиш учун уларнинг майдонларини кенгайтириш шартми?**

— Об-ҳаво ўз йўлига. Аммо кўп нарса инсонга боғлиқ. Биз республиканинг ҳамма ерида мевали дарахтларга шакл беришни ўз вақтида ўтказдик. Об-ҳаво ҳам ўзига бўлган эътибор учун бизга кўмаклашди. Ҳозирги шароитда боғ ва токзорларни кенгайтиришга зарурат йўқ. Бошқа экинлар хусусан ғалла учун ер керак. Ялпи хирмонни эса, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтириш мумкин. Бунинг учун эски боғларни янгилаш, ҳар бир гектарда дарахтлар сони рисоладагидек бўлишига эришиш даркор. Боғбон ва соҳибкорларимиз бу йўлда катта куч-ғайрат сарфламоқдалар.

**Ўз мухбиримиз суҳбатлашди.**

• *Диққат, тажриба!*

## КОНСИГНАЦИЯ — ТАДБИРКОРЛИК УСУЛИ

***Гагарин шаҳрида аҳолини саккиз хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг аҳволи билан қизиққанимизда ҳиссадорлик жамияти раиси Жангил Хўжанова ажойиб бир тажрибани гапириб қолди.***

— Бизда бир тадбиркор йигит бор. — деди опа, — Бўм-бўш ётган «Наврўз» савдо марказининг биринчи қаватини сўраб олиб, ўз дидига мослаб таъмирлади, безак бериб чиқди. Сўнг озиқ-овқатлар билан савдо қиладиган расталар ўрнатди, бир ой ичида мол-маҳсулот билан тўлдириб ташлади. Кейин билсам, жамоа консигнация усулида иш бошлаган экан. Ҳозирча бундай дўкон вилоятда ягона, ҳиссадорлик жамияти ойлик товар айланиш режасининг 30 фоизини беряпти.

Раиснинг гапидан сўнг дўконни бориб кўрдик. Гапнинг рости музейга кириб қолгандек ҳис қилдик, ўзимизни. Ёки бўшаб қолган пештахталарни кўравериб кўз ўрганиб қолганми? Бу ерда саккиз хил товар туганмас заҳираси билан яна юзлаб озиқ-овқатлар муҳайё эди. Дўкон мудири Абдуғафур Абдуқаюмовдан бунинг боисини сўрадик.

— Ҳақиқатданам берсанг сотаман, урсанг ўламан, дея қўл қовуштириб ўтирадиган замон эмас ҳозир, — дейди Абдуғафур. — Мен бу ишга анча илгари замин ҳозирлагандим. Қаерга борсангиз «аввал пул ўтказ, кейин маҳсулот оласан» дейди. Кўплаб пули бор ташкилотлар ҳам буни эплашолмади, чунки банк операциялари бизда мураккаблашиб кетди. Мен Тошкентда жуда кўп маҳаллий ва хорижий фирмалар маҳсулотларини ўтказолмай, манфаатли шерик тополмай юрганини билардим. Ана шуларнинг раҳбарлари билан тил топишиш истагида эдим, ниҳоят мақсадимга эришдим. Ўзаро шартнома асосида улардан маълум муддатга маҳсулотни қарзга олиб ишлашга қарор қилдим. Агар қарзни кўрсатилган вақтда тўлолмасам жарима тўлайман. Бундан ҳар икки томон манфаатдор. Бояги фирмалар маҳсулоти ўтганидан хурсанд бўлса, биз ҳам аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш ва қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлдик. Мана шуни консигнация усули дейилади. Лўнда қилиб, тадбиркорлик усули дейиш ҳам мумкин.

Шундай қилиб ишимиз юришиб етди. Эллик турдаги қандолат чиқараётган Туркиянинг «Барокат», Эроннинг «Виктория — Роза», воситачи «Абседиан», Янгийўлдаги «Лаззат», Тошкентдаги «Ўртоқ» фирмалари билан бугун яқин алоқада ишлаяпмиз. Улардан асосан озиқ-овқат, ширинликлар, яхна ичимликлар, кийим-кечак, дезодарант, кир ювиш воситалари, спиртли ва тамаки маҳсулотлари олаяпмиз. Ҳозир дўконда 500 хилдан зиёд маҳсулот бор. Кафиллик бераоламан, деярли кўпчилиги бозордагидан эллик фоиз арзон. Еттита бўлимда ўн тўққиз киши хизмат қилмоқда. Восита бўлими ҳам очдик. Чунки ҳозир четга чиқувчилар, импорт товар олиб келувчилар кўпаяди. Биз аҳолидан келишилган баҳода олиб яна ўн фоиз устама нарх қўямиз, етти фоиз ҳиссадорлик жамиятига, қолгани маошга кетади.

Яқинда «Саида» фирмаси, «Бозиргон» хўжалик ҳисобидаги марказ билан ҳам олди-берди қила бошладик. Жами 14 та катта-кичик фирмалардан товар олаяпмиз. Чунки маҳсулотимизга талаб кун сайин ошиб боряпти, ойига 600 минг сўмгача савдо қилаяпмиз.

Мирзачўл тумани ҳокимига хўжалик ҳисобига ўтказишни сўраб бордик. Йўқ, демади, фармойиш чиқариб берди. Энди ишимиз янада юришади, банкда алоҳида ҳисоб рақамимиз очилди. Вилоят миллий банкида ҳам шундай ҳисоб рақами очишни мўлжаллаб турибмиз. Бу амалга ошса бемалол четга чиқа оламиз, дўкон тушумидан келган сўмларни рублга ёки долларга айлантириб маҳсулот олиб келиш имкониятига эга бўламиз.

Ҳозирги тахминий ҳисоб-китобларга кўра, чет билан маҳсулот айирбошлашга эришолсак ишлаб чиқариш икки баробар кенгайиб маҳсулотларимиз нархи ўттиз фоизга арзонлашаркан.

Суҳбатдан англадимки, улар бунга ҳам, албатта, эришадилар. Жамоанинг ғайрат-шижоати шундан далолат бериб турибди.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Ҳ. НАБИРАЕВ**
**суҳбатлашди.**

## ОМОНХОНАНИНГ ТЕКИН СУВИ

Бойсундан унча узоқ бўлмаган жойда улуғ шайх-Хожа Султони Валий ҳазратларининг қабри бор. Бу ердан чиқадиган булоқ эса шифобахш — сариқ касалга даво. Шунинг учун ҳам бу маскан — Омонхонанинг номи Бойсундан олисларда ҳам машҳур. Бултур, ундан олдинги йиллари бу ерга ҳар куни 600-700 нафар киши келиб шифо топарди.

Яқинда вилоят ҳокимлиги 200 ўринли шифохона қуришни режалаштирди, чунки бир гепатитни даволашга ўртача 14 минг сўм сарфланаяпти, Омонхонанинг текин суви билан эса ҳар йили 100 минглаб киши даволанмоқда.

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Иқтисодиёт қирралари*

## ҚАРШИ «САНАМ»И

***Қарши шаҳридаги тикувчилик фабрикаси чеварлари томонидан тикилган янги-янги либослар ўзининг бежиримлиги, замонавий фасони билан ажралиб туради. Иқтисодий қийинчиликлар бу корхонани ҳам четлаб ўтмади.***

Фабрикада тикилган кийимлар омборларда қолиб кетадиган, тикув материаллари, газмоллар келмай қоладиган бўлиб қолди. Илгари тайёр кийимлар бевосита савдо ташкилотларининг омборларига топширилар, қолгани билан фабрика маъмуриятининг ҳам, тикувчиларнинг ҳам иши йўқ эди. Топширилган буюмлар учун маблағ ойма-ой корхонанинг банкдаги ҳисобига пайдар-пай тушиб турарди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш чигалликлари ана шу маромга путур етказди, тикувчиларнинг ишини мушкуллаштириб юборди. Бироқ корхона фаолларининг ташаббускорликлари, изланишлари туфайли барча муаммолар бартараф этилди.

Бу ерда тайёрланаётган либослар омборларда қолиб кетаётгани туфайли шароитга мос иш тартиби жорий қилинди. Фабрикада маркетинг бўлими ташкил этилди. Бу бўлим фақат буюртмачилар қидириб топиш ва ана шу буюртмани тикув цехларига етказиб туриш билан шуғулланади. Бунинг устига, кўпчиликнинг талаби билан фабрика ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Жамиятга «Санам» деб ном берилди. «Санам»чилар мулк мақоми ўзгариши билан ишни янгичасига ташкил этишга киришдилар. Ҳар бир тикувчи, ишчи ва ходимнинг онгига ҳиссадорлик жамияти афзалликлари сингдирилди. Сифат биринчи ўринга қўйиладиган бўлди.

Авваллари фабрикада асосан эркаклар ва ўғил болалар учун кўйлаклар тикиларди. Тикувчилар ҳам ана шу либосларни яратишга ихтисослашган эдилар. Эндиликда кўйлаклардан ташқари шифохоналар учун чойшаблар, ёстиқ жилдлари, тиббиёт ходимларига халатлар, қурилиш ташкилотлари, корхоналар учун коржомалар, аёллар куйлаклари каби 12 турдаги кийим-кечак ва буюмлар тикишга ўтилди.

— Яқин-яқингача хомашё Олмаота ва Херсон шаҳарларидаги тўқимачилик корхоналаридан келтириларди,— дейди ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Шоирахон Азимова.— Алоқаларнинг узилиши натижасида ушбу корхоналардан хомашё юборилмай қўйилди. Энди уни Бухоро ип-газлама комбинати ва Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасидан олаётирмиз. Очиғи, республикамизда ишлаб чиқарилган газламаларнинг сифати чакки эмас. Улардан бежирим кўйлаклар, халатлар тикиб, харидорларга жўнатяпмиз. Мария Черемисина, Қумри Шониёзова, Розия Очилова, Мукаррам Пўлатова, Робия Наврўзова каби уста чеварлар бош бўлган цехларнинг тикувчилари томонидан тайёрланаётган либосларга талаб тобора ортиб бораяпти.

Жамият цехларида ўтган йили 56,3 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши шарофати туфайли фақат шу йилнинг беш ойи мобайнида буюртмачиларга 37,5 миллион сўмлик кийим-кечак жўнатилди.

Корхона фаоллари иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мақсадида Россиянинг қатор шаҳарларида, саноат марказларида ҳамкорлар орттирдилар. Нижний-Новгород шаҳрида жамиятнинг «Савдо уйи» очилди. Корхона маҳсулотларининг бир қисми ана шу «Савдо уйи» орқали сотилмоқда. Россиялик харидорлар Қаршида тикилган кўйлаклар, чойшаб ва халатларни севиб харид қилишяпти. Бунинг эвазига Россиядан хомашё, тугма, ёқабоп материаллар, дори-дармон, шакар олиняпти.

Ҳиссадорлар Ставрополь шаҳрида ҳам «Савдо уйи» очиш тараддудида. Шунингдек, Санкт-Петербург, Калининград шаҳарларидаги қатор фирмалар билан алоқалар йўлга қўйилди. Энг муҳими — тикув машиналари, турли дастгоҳлар, эҳтиёт қисмлар келтириш имконияти пайдо бўлди.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Йўқламада Қорақалпоғистон*

## ПЕШТАХТАЛАР МОЛГА ТЎЛА

***Нукус шаҳридаги Марказий универмагнинг анчадан буён ҳувиллаб қолган савдо расталарига файз кириб қолди.***

Қорақалпоғистон Республикаси енгил саноат корхоналарининг бу ерда ташкил қилинган савдо ярмаркасида Нукусдаги «Арулар», Тўрткўлдаги «Нафосат», Элликқалъадаги «Дўстлик» ҳиссадорлик жамиятлари, Беруний, Манғит, Хўжайли ип йигириш-тўқиш фабрикалари иштирок қилмоқда. Дўкон пештахталарига ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган кийим-кечаклар, пойафзал ва уй-рўзғор буюмлари, хулласи, олтмишдан зиёд атамадаги хилма-хил маҳсулотлар қўйилган.

Корхоналар томонидан қўйиладиган савдо устамасининг камлиги харидорларга ушбу маҳсулотларни бозор баҳосидан анча арзон нархларда харид қилиш имконини беради.



## 2-НАВБАТИ ҚАЗИЛЯПТИ

***«Оролбўйисувқурилиш» тресги қурувчилари қуйи Амударёнинг ўнг қирғоғидаги аҳамиятли сув иншоотларидан бўлган «Рисовий» каналининг иккинчи навбатини қазиш ва монтажлаш ишларини ниҳоясига етказдилар.***

Ушбу қурилишда жами 7,5 миллион сўмликдан зиёдроқ маблағ ўзлаштирилди.

Канал иккинчи навбатининг фойдаланишга топширилиши деярли 28 минг гектар экин майдонларини суғориш сифатини яхшилайди.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БОЗОРИ ЧАҚҚОН ДАСТГОҲ

***«Андижонгидромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида фермерлар оғирини енгил қилиш учун универсал дастгоҳ ишлаб чиқара бошланди.***

Унинг қулайлиги шундаки, дастгоҳ ёрдамида макка донини уқалаш, уни ем қилиб тортиш, ўтни майдалаш мумкин. Яна шуниси муҳимки, дастгоҳ ёғочга ҳам ишлов беради. Универсал механизмнинг бозори чаққон бўлмоқда. Кичик корхоналар эгалари, фермерлар янги қурилма соҳиби бўлиш учун заводга буюртмалар беришаётир.

**Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *«Ғалла-95»*

## ИЖАРАЧИЛАР ХИРМОНИ

Оҳангарон туманидаги Собир Раҳимов номли ҳиссадорлик жамияти ғаллакорлари етиштирган улкан хирмонда айниқса ижарачиларнинг салмоқли улуши бор. Ғаллакор Юнус Қулматов ана шу илғорларнинг бири. У оила аъзолари билан 28 гектар ерда деҳқончилик қилди. Сувли ерларнинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтаришга эришди. Унинг мусобақадоши бўлган ёш ижарачи Мадусмон Маназаров эса 35 гектардаги ғаллазордан 43 центнердан дон янчиб олди.

Ижарачи Нуринисо Маматова эришган ютуқлар



ҳам кишини қувонтиради. Опа ҳам оила аъзолари билан асосий экинлардан ташқари 45 гектар суғориладиган майдонга буғдой экишган эди. Оиладагилар бутун кўклам ва ёз давомида ҳалол меҳнат қилиб гектаридан 45 центнердан буғдой олишди.

Хўжалик аъзолари ўриб-янчиб олинган ғалланинг бир қисмини уруғлик сифатида ўзларида олиб қолишди.

**М. ҚАЮМ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

## ҚИШЛОҚ СУПЕРМАРКЕТЛАРИ

***Супермаркет. Дунёда кенг тарқалган бу сўз бизга қандайдир сеҳрли, афсонавий атамага ўхшаб туюларди. Энди эса бозор иқтисодиётининг бу энг муҳим хизмат тури, савдо шохобчаси ҳақида тез-тез гапириладиган бўлиб қолди.***

Республика Президенти ҳузуридаги идоралараро кенгаш мажлисида ҳам бу масаланинг ғоят муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Фарғоналик қишлоқ матлуботчилари бу ғояни дарҳол илғаб олиб, амалиётга татбиқ қилиш чора-тадбирларини кўришмоқда.

Вилоятдаги биринчи супермаркет Ўзбекистон туманида иш бошлади. Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан супермаркетга «Ўзбекистон» номи берилди. Супермаркет туман маркази — Яйпан шаҳридаги универмаг ўрнида барпо қилинган бўлса-да, ташқи кўриниши, савдо залларининг безатилиши, харидорларга қулайлиги жиҳатидан ажралиб туради.

Пештахталарга, супермаркетга туташ дўкончаларга маҳаллий корхоналардан, чет эллардан, Ҳамдўстлик мамлакатларидан айирбошлаш йўли билан олиб келинган 800 хилдан ортиқ саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари қўйилган. Ранг-баранг, харидоргир, дид билан териб қўйилган маҳсулотлардан кўз қамашади. Дўкон олдидаги расталарда туманда етиштирилган мева-чева, қовун, тарвуз, сабзавотлар, қўйингчи, саҳий Фарғона ерининг барча ноз-неъматлари ҳам бор.

Вилоятда таниқли савдо ходими Солихон Жўраева раҳбарлик қилаётган супермаркет жамоаси янгича савдо услубининг афзалликлари, қулайликларини харидорларга тушунтириш учун барча тадбирларни кўрмоқда. Бу ерда Қозоғистон, Беларусь республикаларидаги корхоналар, биржалар, фирмалар билан тўғридан-тўғри алоқа йўлга қўйилган.

Фурқат ва Бешариқ туманларида ҳам худди шундай супермаркетлар фаолият кўрсатмоқда.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА – МУЛКИЙ ТАДБИРКОРЛИК УЧУН КЕНГ ЙЎЛ ОЧИШДИР

*• Долзарб муаммо*

***Каттақўрғон қўйларни бўрдоқига боқиш ва қоракўлча ишлаб чиқариш махсус ижара хўжалиги нафақат Самарқанд вилояти, балки республика миқёсида ҳам қоракўл тери етиштириш борасида муайян мавқега эга. Хўжалик раҳбари Убайдулло Зубайдуллаев билан суҳбатни диққатингизга ҳавола қиламиз.***



— Бундай хўжаликларни ташкил этишдан асосий мақсад— энг аъло нав қоракўлча терилари олиш эди. Нега «қоракўл» эмас, «қоракўлча» деймиз? Чунки биз оладиган терилар ҳажм жиҳатидан анча кичик. Яъни улар сифати бузилмаслиги учун совлиқ қорнидан ёриб олинади. Жаҳон бозорида уларнинг қиймати бир мунча юқори. Бундан ташқари қисир совлиқлар ва бошқа касал қўйлар ҳам борки, улар шу ерда тўрт-беш ой боқилади.

Каттақўрғон қўйларни бўрдоқига боқиш ва қоракўлча ишлаб чиқариш махсус ижара хўжалиги Самарқанд вилоятида ягона бўлиш билан бирга республикадаги ўнта ана шундай комплекснинг бири. 1975 йилда ташкил этилган хўжалик ўтган вақт ичида жаҳон бозорида яхши баҳоланадиган минглаб дона сифатли қоракўлча тери, юзлаб тонна гўшт етказиб берди.

Ҳар йили вилоятдаги чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлардан, асосан, касалланган, яъни яйловларда ўтлай олмайдиган қўйлар шу ерга келтирилади. Улар бу ерда семиртирилиб, гўшт комбинатларига жўнатилади. Келишув бўйича фойданинг олтмиш беш фоизи қўйни берган хўжаликка, ўттиз беш фоизи эса шу комплексга қолдирилади. Қўйларнинг бир қисми сунъий равишда шу ерда урчитилиб, сифати юқори бўлган кичик ҳажмдаги қоракўл терилари олинади. 1994 йилда ўн бир минг беш юзта ана шундай тери тайёрланди. Бу йил эса ушбу рақамни ўн тўрт мингтага етказишни мўлжаллаётирмиз.

Хўжалик қирқ мингтагача қўйни қабул қилишга қодир. Яъни, бир йилда улар сонини саксон мингтага етказиш мумкин.

**— Айтишларича, ўтган йили Санкт-Петербургда ўтказилган аукционда сотилган ҳар бир қоракўлча ўн тўрт доллар атрофида баҳоланган экан. Хўжаликнинг олаётган даромади ҳам ёмон бўлмаса керак?**




— Бу масала анча баҳс талаб. Чунки қоракўлча етиштириб берсак-да, аммо унинг қанчаси қандай нархда сотилаётганидан бехабармиз. Биз тайёр терини топширадиган Бухоро қоракўл заводи шу иш билан шуғулланади. Агар тўловлар ўз вақтида амалга оширилса даромадимиз ёмон бўлмасди. 1993 йилда хўжаликнинг тўрт юз минг сўм қарзи бор эди. Ҳозир эса биргина Каттақўрғон гўшт комбинати биздан олти миллион сўм атрофида қарздор. Қолаверса, Бухоро қоракўл заводи ҳам тайёр маҳсулотни олаётганига қарамай тўрт-беш ойлаб пулини бермайди. Оқибатда бизнинг хўжаликлар билан бўладиган ўзаро тўловларимиз ҳам чўзилиб кетаяпти. Натижада бу хўжаликлар биздан норози бўлишади. Албатта, Президентимизнинг ташкилотлар ўртасидаги ўзаро тўловларни тартибга солиш тўғрисидаги фармонидан кейин бу масалалар ечимини топяпти.

Бундан ташқари Келес жун фабрикаси ва Бухоро қоракўл заводи нархлар ҳақидаги маълумотни ўз вақтида беришмайди. Баъзан биз, у ерга маҳсулотни элтгунча, уни неча пулга топширишимизни аниқ билмаймиз. Яна шуниси ҳам борки, транспорт ҳақи ҳам бизнинг бўйнимизда. Булар ўз-ўзидан даромадимизнинг пасайишига олиб келмайдими?

Тўғри, ҳаммамиз ҳам эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қиламиз. Лекин ҳар ким, меҳнатига яраша ҳақ олиши керак. Нархни ёки олаётган фойдангни бирор ташкилот белгилаб берса, бозор иқтисоди шароитида иш юритиш қийинлашиб қолади. Ана шу маънода Бухоро қоракўл заводи бизнинг соҳа бўйича нархни ҳам, маҳсулот сифатини ҳам белгилайдиган ташкилотга айланиб қолганлиги сир эмас. Қолаверса, хизматнинг кўп қисмини бошқа хўжаликлар қилиб, фойданинг асосий бўлаги уларга қолаяпти.

Менинг бундай дейишимга сабаб, биз дуч келаётган муаммоларнинг ечимини топиш учун ўзимизнинг Самарқанд вилоят ҳокимлиги, унинг ташкилотларига мурожаат қиламиз ва улардан тегишли ёрдамни оламиз ҳам. Аммо вилоятга бизнинг имкон даражасида ёрдамимиз тегаяптими? Йўқ, албатта. Чунки, юқорида айтганимдек, фойданинг асосий қисми Бухоро қоракўл заводига ўтиб кетаяпти. Ахир ўша завод филиали шу ерда ташкил этилса фойданинг анча бўлаги ўзимизнинг вилоятда қолар эди. Қолаверса, энди бизникига ўхшаш хўжаликлар ўз маҳсулоти билан бозорга эркин чиқиши лозим. Масалан, Санкт-Петербургда ўтказиладиган аукцион ёки бошқа жойларда уюштириладиган шунга ўхшаш тадбирларда тўғридан-тўғри иштирок этсак, манфаатдорлик ҳам анча ошар эди.

**— Бозор иқтисоди маҳсулотни иложи борича қиммат сотиб, кўпроқ фойда олиш эмаслигини энди кўпчилик тушуниб етаяпти. Аксинча, кимки маҳсулотни сифатли ва арзон чиқаришга эришса, фойда ўшаники бўлаяпти. Бу борада хўжаликда қандай ишлар амалга оширалаётир?**

— Масаланинг бу томони ҳаммага равшан. Келинг, аниқ рақамлар асосида фикр юритайлик. 1993 йилдан буён биз гўштга боқиб топшириладиган ҳар бир қўй вазнини 43 килограммдан 48 килограммга етказишга муваффақ бўлдик. Илгари бўрдоқига боқиладиган қўй вазни суткасига 90-100 граммга ошса, ҳозир бу кўрсаткич бир юз йигирма граммни ташкил қилаётир. Гўшт комбинати биздан ҳар килограммини йигирма уч сўмдан олади. Албатта, қилган меҳнатига яраша улар ҳам бу нарх устига маълум фоиз устама қўйишади. Кейин савдо ташкилоти ҳам анча фоиз нарх қўшади. Хуллас, хўжалигимиздан 23 сўмга чиққан гўшт истеъмолчига қирқ сўм атрофида бориб тегади. Биз буни истаймизми? Йўқ, албатта. Устама қўйиладиган нархлар бизга боғлиқ эмас.

Агар ўша қўйларни ўзимиз сўйиб чиқарсак гўшт нархи йигирма олти сўмдан ошмайди. Яъни истеъмолчи маҳсулотни ўз нархида олиш имконига эга бўлади. Бир нарсани эътироф этиш керакки, ҳозир ўртадаги воситачи ташкилотлар ўз меҳнатига анча кўп ҳақ олишаётир. Яна бунинг устига хўжалик билан ҳисоб-китобни ойлаб чўзишади. Натижада биз ҳам, истеъмолчи ҳам зиён кўраяпти.

Хуллас, ана шуларни ҳисобга олиб хўжаликнинг ўзида қушхона очиш ниятидамиз. Ҳозир тайёргарлик ишлари ниҳоясига етиб қолди. У ишга тушгач ҳар куни тонналаб арзон нархдаги гўшт ишлаб чиқариш имконига эга бўламиз. Қолаверса, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Айтайлик турли мақсадларда ишлатиладиган қўйнинг ички аъзолари гўшт комбинати ихтиёрида қолади. Ҳисоб-китобларга қараганда агар ниятимиз амалга ошса, хўжалик ана шунинг ўзидан йилига бир неча минг доллар фойда қилиш мумкин.

Келажакда хўжаликни бир неча турдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи комплексга айлантириш ниятимиз бор. Бунинг учун имкониятимиз етарли. Озуқанинг асосий қисмини ўзимизда етиштирамиз. 450 гектар суғориладиган ва уч минг гектар лалми ерлардан ана шу мақсадларда фойдаланамиз.

Бугун хўжаликда меҳнат қилаётган тўрт юзга яқин кишининг ўртача маоши минг сўм атрофида бўлса, қушхона ва келажакда терини қайта ишлаш корхонаси ишга тушса, бу кўрсаткич янада ошиши муқаррар.

Ана шу ниятларимиз амалга ошса бугунги бир сўмлик даромадимиз икки сўмга айланиши шубҳасиз. Муҳими, хўжалигимизда тайёр маҳсулот етиштирувчи комплекс бўлади. Фақат шундагина сифатли, арзон ва кўп маҳсулот чиқаришга эришамиз. Яъни, меҳнатимизга яраша манфаат кўрамиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Музаффар МУҚИМОВ,**
**суҳбатлашди.**




## 50 ЙИЛ БУРУНГИ МУДҲИШ ВОҚЕА

***Хиросима шаҳрида «Ядро қуролсиз тинчлик сари» шиори остида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий Пагоуш конференцияси очилди.***

Бу йил Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташланган ўша мудҳиш кунга 50 йил тўлади. Анжуманда 46 мамлакатдан 165 нафар олим ва жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

## ОДАМЛАР БОШПАНАСИЗ ҚОЛИШДИ

***Ўтган шанба куни Хитойнинг Ганьсу вилоятида Рихтер ўлчовига кўра 5,8 балл куч билан ер силкинди.***

Хитой ҳукумати вакилининг хабар беришича, зилзила натижасида 14 киши ҳалок бўлган, 60 дан зиёд киши эса жароҳатланган. Бир неча минг турар-жой ва маъмурий бино вайронага айлангани натижасида ўн минглаб киши бошпанасиз қолди.

## ҲОЗИРЧА БАРЧА ҲАРАКАТ ЗОЯ КЕТАЯПТИ

***Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штати маъмурияти вакили Кашмирда фаолият кўрсатаётган «Ал-Фаран» қўпорувчилик гуруҳини июль ойида гаровга олинган 5 нафар чет эл фуқаросини озод этишга чақирди.***

Федерал ҳукумат ҳамда Жамму ва Кашмир ҳокимлиги гаровга олинганларни озод этиш бўйича барча чорани кўрмоқда, деди у. Айни пайтда хавфсизлик кучлари гаровга олинган чет эллик сайёҳларнинг қаердалигини аниқлаш учун кечаю кундуз ҳаракат қилмоқда.

## ҲУҚУҚИЙ «ОВ»

***Перу пойтахти Лимада ҳукумат хавфсизлик кучлари ва полиция қисмлари мамлакатда фаолият кўрсатаётган «Сендеро луминоса» қўпорувчилик гуруҳи фаоллашгани туфайли жанговар ҳолатга келтирилди.***

Хабар берилишича, мамлакат қўшинлари қўпорувчиликка қарши курашувчи махсус бўлинмалар билан биргаликда «Сендеристлар» устидан ҳақиқий «ов» бошлаган. Бундан бир ҳафта бурун ҳукумат қўшинлари билан қўпорувчилар ўртасида тўқнашув юз берган эди. Натижада 16 нафар ҳукумат аскари ва 20 дан ортиқ қўпорувчи ҳалок бўлди.

## ТАДБИР АМАЛГА ОШАЯПТИ

***Жазоир ҳукумат қўшинлари мамлакатда фаолият кўрсатаётган жангариларнинг қароргоҳи ва аслаҳахоналарини йўқ қилиш бўйича тадбирларни амалга оширмоқда.***

Расмий хабарларга кўра, куни кеча мазкур тадбирлар натижасида 12 нафар жангари ўлдирилган. Июл ойи бошидан буён эса хавфсизлик кучлари томонидан 157 нафар қўпорувчи йўқ қилинди.

## АРМИЯГА ЗЎР БЕРАЯПТИ

***Ҳиндистон Россия Федерацияси билан ҳамкорликда замонавий қуроллар, жумладан «СУ-30-БК» жанговар самолётини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида.***

Ҳиндистон мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, мазкур масала августда Москвада бўлиб ўтадиган Россия ва Ҳиндистон ҳарбий-техникавий қўшма гуруҳининг иккинчи мажлисида муҳокама этилади.

## ҚАЙТАДАН РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

***Тожикистонда 1993 йил баҳорида фаолияти тўхтатиб қўйилган демократик партия яна қайтадан рўйхатга олинди.***

Мамлакат Олий суди ўшанда партияни ўз низомига риоя қилмагани ва конституциявий ҳукуматни қурол воситасида ағдариб ташлашга урингани учун айблаган эди. Айни пайтда партия етакчилари Тожикистонда миллати ва эътиқодидан қатъи назар барча фуқаролар тенглигини таъминлайдиган ҳуқуқий давлат қуришни асосий мақсад деб эътироф этмоқдалар.

## НИҲОЯСИГА ЕТАЙ ДЕБ ҚОЛДИ

***Россия Федерал ҳукумати билан Чеченистон Президенти Ж. Дудаев тарафдорлари ўртасидаги музокаралар ниҳоясига етай деб қолди.***

Дастлаб ҳарбий масалалар юзасидан бир битимга келган делегациялар шу кунларда сиёсий масалалар мажмуи юзасидан ҳам баённома имзолаш ниятидалар. Россия делегацияси вакили Аркадий Вольский музокаралар шу кунларда ниҳоясига етишини таъкидлади.

## МУЗОКАРАНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИГА ТАЙЁР

***Озарбойжон Австриянинг Баден шаҳрида Арманистон-Озарбойжон можаросини ҳал этиш юзасидан ўтказилаётган музокараларнинг навбатдаги босқичида иштирок этишга тайёр.***

Мамлакат Президенти Ҳайдар Алиев Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Тоғли қорабоғ бўйича Минск конференцияси ҳамраислари В. Лозинский ва Х. Талвитие билан учрашув чоғида шуни маълум қилди. ЕХҲТнинг Россия ва Финляндиялик вакиллари бунгача Ереванда ва Хонкендида (Степанакерт) бўлиб, Арманистон томони билан сиёсий маслахатлашувлар ўтказган эди.

## ҲАВОДАН ЗАРБА БЕРИЛИШИНИ АЙТДИ

***Буюк Британия, АҚШ, Франция ҳукуматлари вакиллари ўтган якшанба куни Босния сербларн раҳбарларига расмий огоҳлантириш акс этган мактубни етказдилар.***

Унда Сербия томонининг Босниядаги «хавфсизлик минтақаларига» ҳужумларига бундан буён чидаб бўлмаслиги, агар Гораждага қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланса, уларнинг қароргоҳларига нисбатан ҳаводан кучли зарбалар берилиши қайд этилган.

## БУ ЙИЛ ЭСА ҒАЛЛА ЭКДИ

***Буюк немис шоири Гёте «Умид билан қадалган таёқ, бир кун берар мева-ю, япроқ» деган экан.***

Навбаҳорлик Абдураҳмон Турдиев ҳам яхши умидлар билан «Зарафшон» жамоа хўжалигида боғ барпо этиш учун Ҳашман қишлоғидан тўрт гектар ер олди. Фарзандлар ёрдамида Навоий шаҳри чеккасидан чиқиндилардан сим ва темир-терсаклар йиғиб келиб, боғ атрофини ўради. Айни кунларда боғ шиғил мевага кирган.

Абдураҳмон ака боғ ҳосилга киргунга қадар ўтган уч йилда тиниб-тинчимади. Дастлабки йили токзор ва ниҳоллар орасига чигит экиб гектаридан 43 центнердан ҳосил кўтарди. Ўтган йили эса картошка экди. Натижа ёмон бўлмади. 5600 килограмм картошка олди. Айни кунларда эса тадбиркор деҳқон дарахтлар ва токлар орасидан ғалла ҳосилини йиғиб олмоқда.

**Т. ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 25 июлда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иштирок этди.

Сотув ҳажми 32,95 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 30,80 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 26 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 22,75 | 10 Португалия эскудоси | 2,12 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,16 | 1 Сингапур доллари | 22,03 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 49,14 | 1000 Туркия лираси | 0,69 |
| 10 Бельгия франки | 10,80 | 1 Финляндия маркаси | 7,30 |
| 1 Голландия гульдени | 19,82 | 4 Франция франки | 6,40 |
| 10 Греция драхми | 1,37 | 1 Швеция кронаси | 4,32 |
| 1 Дания кронаси | 5,71 | 1 Швейцария франки | 26,74 |
| 1 АҚШ доллари | 30,80 | 1 ЭКЮ | 41,13 |
| 1 Миср фунти | 9,08 | 10 Япония иенаси | 3,51 |
| 1 Ирландия фунти | 50,68 | 1000 Россия рубли | 6,80 |
| 1 Исландия кронаси | 0,49 | 1 Эстония кронаси | 2,78 |
| 10 Испания песети | 2,59 | 1000 Украина карбованеци | 0,21 |
| 100 Италия лираси | 1,93 | 1 Латвия лати | 59,92 |
| 1 Канада доллари | 22,73 | 1 Литва лити | 7,70 |
| 1 Кувайт динори | 102,58 | 1 Қозоғистон тенгеси | 0,49 |
| 100 Ливан фунти | 1,91 | 1 Молдова лейи | 6,79 |
| 1 Германия маркаси | 22,22 | 1000 Беларусь рубли | 2,68 |
| 1 Норвегия кронаси | 5,00 | | |

Марказий банк 1995 йил 26 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,80 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,80 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

***1995-1996 ўқув йилига қуйидаги олий таълим йўналишларида талабалар қабулини эълон қилади***

**Кундузги бўлимга:**

Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, агросаноат мажмуи тармоқларининг иқтисоди ва уни бошқариш, агрономия (шу жумладан фермерлик), агрокимё ва тупроқшунослик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, қишлоқ хўжалик экинларининг селекцияси ва генетикаси, зоомуҳандислик, ўрмон, боғ ва хиёбоналарни кўкаламзорлаштириш.

**Сиртқи бўлимга:**

Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фалоятини назорат ва таҳлил қилиш, агросаноат мажмуи тармоқларининг иқтисоди ва уни бошқариш, агрономия, агрокимё ва тупроқшунослик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, зоомуҳандислик.

***Университетнинг сиртқи бўлимга 1995-1996 ўқув йилидан бошлаб талабалар қабул қилиш фақат ёзда, бу йил 10 августда ўтказилади ва кириш учун ўрта мактабни, техникумларни ва ўрта махсус билим юртларини битирган ҳамда республикамизнинг ҳамма вилоятларидан қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб турган фуқароларидан ариза қабул қилинади.***

Университетни битирган мутахассислар қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида (жамоа, ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари) ишлаши мумкин.

***Абитуриентлар учун консультациялар 28 июлгача ўтказилади.***

**Университет ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова этилади:**
ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусха), 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат, 086/у андозадаги тиббий маълумотнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (сиртқи бўлими учун), паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

***Тест синовлари қуйидаги умумтаълим фанлар блоклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан кундузги бўлимда 1 агустда; сиртқи бўлимда 10 августда ўтказилади:***

**Х001 - ЎРМОН ИШИ** йўналиши - ўрмон, боғ ва хиёбонларни кўкаламзорлаштириш бўйича: ***математика, физика ва она тили.***
**Х016 - АГРОИҚТИСОДИЁТ** йўналиши - агросаноат мажмуи тармоқлари иқтисоди ва уни бошқариш, бухгалтерия ҳисоби хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш бўйича: ***математика, чет тили ва она тили***

**Х004 - АГРОКИМЁ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК** йўналиши - агрономия (шу жумладан фермерлик), агрокимё ва тупроқшунослик, мева-сабзавотчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, қишлоқ хўжалик экинларининг селекцияси ва генетикаси, зоомуҳандислик бўйича: ***химия, биология ва она тили***

Танлов ва талабаликка қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус юртларига ўқувчилар қабул қилиш бўйича Давлат идоралараро комиссияси томонидан абитуриентларни тест синовларида тўплаган балларини ҳисобга олган ҳолда, рейтинг тизими бўйича ўтказилади.

***Университетга қабул Давлат идоралараро кимиссияси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг биринчи курсларига 1995-1996 ўқув йилига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.***

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент-700140, ТошДАУ**
***(19, 83, 96, 129, 156, 165, 167, 491 - автобуслар ва 15, 53 маршрут таксиларнинг "Тошкент Давлат аграр университети" бекати).***

# МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗНИ АСРАЙЛИК!

***Мустақиллик шарофати билан пахтани етиштириш, уни тасарруф этиш ва сотиш ўз қўлимизга ўтди. Зеро, пахта, олтин, ғалла, нефт каби асосий бойликларимиздан бири, иқтисодиётимизнинг асосидир. Деҳқоннинг кечаю-кундуз тиним билмай меҳнат қилиб, пахта етиштиришини, унинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай йиғиб олишга қанча куч ва маблағ сарфлашини яхши биламиз. Афсуски, бу оғир меҳнат эвазига бунёд бўлган ҳосилни сотишда айрим қонунбузарлик ҳолатлари рўй бермоқдаки, бу пахтакорлар меҳнатига, халқ бойлигига хиёнатдан ўзга нарса эмас.***

Республика Прокуратураси ва унинг органлари Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда ана шу ҳаракатларга қарши фаол курашмоқда, натижада пахтани чет давлатларга сотишда кўплаб қонунга хилоф ишлар, ўғрилик ва суиистеъмолчиликларга йўл қўйилиши ҳолатларига ҳанузгача барҳам берилмаётгани аниқланмоқда. Ҳар бир аниқланган ҳолат юзасидан ўз вақтида тезкор тергов гуруҳларини тузиш, жиноят иши қўзғатиш, айбдорларга нисбатан тегишли жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этиш ва уларни суд олдида жавоб бериши таъминланмоқда.

Шу ўринда пахтадек миллий бойлигимиздан фойдаланиб, текин даромад орттиришга уринган баъзи мансабдор шахсларнинг содир қилган суиистеъмолчилик ва жиноий ҳаракатларини фош этиб, жамоатчиликка уларнинг асл башарасини кўрсатиш жоиздир. Токи, бу шу йўлга кирган бошқаларга ҳам сабоқ бўлсин.

Сирдарё вилояти Прокуратураси томонидан Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган текширишлар натижасида пахта ҳосилини сақлаш, қайта ишлаш ва сотишда қонун талаблари қўпол равишда бузилгани ҳамда жиноятга қўл уриш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

1994 йил 1 июлда Қозоғистон Республикасининг Жеттисой шаҳридаги кимё омборининг ташландиқ биносида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — Сирдарё вилояти Ш. Рашидов туманидаги Волков номли пахта заводининг таъминотчиси Б. Холов ва Б. Эгамов, Жиззах вилояти «Дўстлик» туманидаги пахта заводининг ҳайдовчиси С. Ғаниевлар биргаликда пахта толаси тойларидаги ёрлиқларни йиртиб, жиноят изларини йўқ қилаётган пайтида қўлга олинган. Ушбу ҳолат юзасидан Ш.Рашидов тумани прокурори томонидан жиноят иши қўзғатилган. Терговда аниқланишича, 1994 йил 1 июлда таъминотчи Б. Холов Волков номли пахта заводига қарашли «КаМАЗ» русумли 90-10 СИЛ автомашинаси ҳайдовчиси У. Умаров билан жиноий тил бириктириб, сохта ҳужжат билан шу заводдан 10 тонна пахта толасини олиб чиққан. Холов бу билан чегараланмай, Умаровга катта ўзбек трактининг маълум жойида кутиб туришини тайинлаб, ўзи «Оқ олтин» туманидаги «Пахтаобод» заводига бориб, у ерда шу заводнинг директори О. Махамбетов билан жиноий тил бириктириб, унга «КаМАЗ» русумли 40-80 СИЛ автомашина ҳайдовчиси К. Давировни шерик қилиб, ушбу заводдан ҳам қалбаки ҳужжатлар асосида 15 тонна пахта толасини, жами 25 тонна толани чегарадан ўтказиб, Қозоғистон Республикаси Жеттисой шаҳридаги кимё омборига олиб бориб туширган.

Кўрилган чоралар натижасида жиноят фош этилиб, ғайриқонуний олиб чиқилган 25 тонна тола республикага қайтарилди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жиноят иши судга юборилиб, суд ҳукми билан Холовга 10 йил, Махамбетовга 8 йил, Давировга эса 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам тегишли жазоларини олди.

Юқорида қайд этилган жиноят ишини тергов қилиш давомида илгари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига маълум бўлмаган яна бир қабиҳ жиноят аниқланди. Муқаддам бир неча маротаба судланган Боёвут туманининг собиқ «Коммунизм» хўжалигида яшовчи фуқаро Ю. Қорабоев вилоятнинг турли пахта заводларидан юк ташиш билан шуғулланаётган ЗИЛ-130 русумли 24-95 СИМ ва ЗИЛ-133 русумли 44-02 СИО автомашина ҳайдовчилари Ю. Ғанибоев ҳамда Э. Турсунов билан халқ мулкини ўғирлаш ҳақида жиноий тил бириктириб, 1994 йил 22 июнда Ғанибоев бошқараётган автомашинада «Оқ олтин» тумани «Мир» пахта тозалаш заводидан Сайхунобод туманида жойлашган «Оқ олтин» пахта маҳсулотларини қабул қилиш базасига олиб борилаётган 5 тонна, яна Ш. Рашидов тумани Волков пахта заводидан Турсуновнинг бошқарувидаги автомашинада олиб борилаётган 6 тонна 401 килограмм толани Боёвут тумани «Коммунизм» хўжалигига яшириб ўзлаштирган. Қорабоев ва Турсунов ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, айнан шундай йўл билан Волков номли пахта тозалаш заводидан 1994 йилнинг 30 июнида 6 тонна 551 килограмм, 4 июлда 7 тонна 391 килограмм, жами эса 26 тонна 547 килограмм толани яна шу жойга яшириб, кейинчалик эса Тожикистон Республикасига олиб чиқиб сотиш йўли билан ўзлаштирганлар.

Бу ҳолатлар юзасидан ҳам жиноий иш судга юборилиб, суднинг ҳукми билан Қорабоевга 13 йил, Турсуновга 12 йил, Ғанибоевга эса 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Бу турдаги жиноятларни фош этиш натижасида Сирдарё вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан давлатга жами бўлиб 70 тоннадан ортиқ миқдордаги пахта толаси қайтарилиб, айбдорлар тегишли жазоларга ҳукм этилди.

Бундай жиноий ҳаракатлар бошқа вилоятларда ҳам мавжуд.

Жумладан, Тошкент вилоятидаги 14-«Ғишткўприк» божхона пости назоратчилари томонидан 1994 йил 26 август куни хорижий фуқароларнинг учта юк машинаси тўхтатилган. Йўл ҳужжатларида 45 тонна пахта толаси Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилоятидан республикамиз ҳудуди орқали Хитойга юборилаётгани қайд этилган. Лекин текширишда машиналарга юкланган пахта, ҳужжатларда кўрсатилгандай 45 тонна эмас, балки қарийб 59 тонна экани аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ тумани Прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-моддаси 2 қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Аниқланишича, Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманидаги «Мустақиллик» пахта тозалаш заводининг директори Х. Зарипов ғаразли ниятда, енгил пул топиш мақсадида ўзига ўхшаган айрим нопок шахслар билан жиноий тил бириктириб, уюшган жиноий гуруҳ ташкил этган ва давлатнинг 21 тонна пахта толасини талон-тарож қилишга уринган.

Мазкур уюшган гуруҳ аъзоларидан З. Назипов ва А. Шодиевлар олдиндан тайёрланган қалбаки ҳужжатлар асосида 1994 йил 19 августда Х. Зарипов раҳбарлигидаги «Мустақиллик» пахта заводидан 21 тонна толани ғайриқонуний йўл билан олиб чиқиб, ўзлаштирган ва кейинчалик бу мулкни мўмай пулга сотишни кўзлаб яширган.

Эндиликда уюшган гуруҳ олдида яна иккита муҳим «вазифа» турарди: заводдан ўғирланган толани республикамиз ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш ва ўзга юртларда уни сотиб, мўмайгина «Ўлжа»ни қўлга киритиш. Лекин божхона-чи? Шунча юкни узоқ масофага олиб боришга зарур йўл ҳужжатлари-чи?

Бу муаммоларни ечишнинг ҳам йўли топила қолди. Жиноий гуруҳ аъзолари Тожикистоннинг Ўратепа шаҳридаги «Нурбахш» хусусий савдо фирмасига мурожаат қилиб, 21 тонна тола Ўратепа шаҳридан олиб келинмоқда, деган мазмундаги қалбаки ҳужжатларни олишади.

Энди фақат божхона масаласини ҳал қилиш лозим эди. Катта фойда орттириш илинжида юрган бу нопок кимсалар «пул бўлса чангалда шўрва» қабилида иш тутиб, жиноий фаолиятларига шерик қилиш учун давлат божхона хизмати ходимларидан ўзларига ўхшаш жиғилдон бандаларини қидириб топишга қарор қилади. Ишнинг буёғи ҳам осон кўчди. Сирдарё вилоят божхона бошқармасига қарашли Ховост-2 пости бошлиғи О. Муродов ҳамда шу пост нозири А. Эркаевлар нафс балосига гирифтор бўлиб аслида «Мустақиллик» пахта заводидан ўмарилган 21 тонна толани, бу юк Ўзбекистонга тегишли эмас, балки транзит усулида Ўратепадан олиб кетилмоқда, деган мазмундаги «Нурбахш» фирмасининг қалбаки ҳужжатлари асосида сохта ҳужжат расмийлаштириб, унга божхона муҳри ва штампларини босиб тасдиқлаб берганлар.

Аммо, уюшган жиноий гуруҳ аъзолари айёрлик билан қонунни четлаб ўтишга қанча уринмасин, охир-оқибатда суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди. Тошкент вилоятидаги 14-«Ғишткўприк» божхона пости ходимларининг ҳушёрлиги, ўз бурчларига содиқлиги жиноятчиларни қўлга олишда катта омил бўлди ва натижада Тошкент вилоят судининг ҳукми билан уюшган жиноятчилар Х. Зарипов ва А. Эркаевлар ҳар бири 8 йилдан, О. Муродов 10 йил, З. Назипов 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди, уларнинг бошқа шериклари ҳам қилмишига яраша жазоланиб, жиноятчиларнинг мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилди.

Айрим ҳамюртларимизнинг миллий бойлигимизга бўлган бундай жиноий муносабатини пешона тери билан ҳосил яратган бободеҳқон олдидаги хиёнат демоқдан ўзга илож йўқ. Эътибор беринг, зикр этилган ҳолатларнинг барчасида жиғилдонлари хакалак отган кимсалар беш-ўн сўм фойда кетидан қувиб, миллий бойлигимизни талон-тарож қилганлар. Иймон, ватан, юрт осойишталиги йўлида, унинг иқтисодий заминини мустаҳкамлаш борасида меҳнат қилишдек олийжаноб туйғулар эса уларга мутлақо ёт тушунчалар эканини намоён этишган.

Прокуратура органлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари билан ҳамкорликда бундан буён ҳам миллий бойлигимизга хиёнат қилувчиларга нисбатан шафқатсиз курашни давом эттираверади.

**У. ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари.**
**(ЎзА).**

# БЕПАРВО БЎЛМАНГ

## Шунда ёнғинга қарши олиб борган курашимиз яхши натижа беради

***Халқимиз ўт балосидан, сув балосидан ва туҳмат балосидан сақласин, деб бежиз айтмайди. Ўша балоларнинг ичида энг даҳшатлиси ёнғиндир. Ёнғин — тилсиз ёв. У кутилмаганда бошланиб, кишиларга, корхона раҳбарларига кўп ва қайғули ташвишлар келтиради.***

Хўш, ёнғиннинг олдини олса бўладими? Бўлади, албатта. Лекин айрим фуқаролар ва корхона раҳбарларининг бепарволиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги, эътиборсизлиги оқибатида ҳали-ҳануз ёнғин чиқиш ҳоллари юз бермоқда. Ёнғин хоҳ корхона, хоҳ фуқаролар турар-жойларида содир бўлмасин, катта фалокатдир. Бу балои офатнинг замирида моддий зарар, зиён билан бирга инсон умрига тажовуз ётади. Ахир неча йиллаб пешона тери эвазига қад кўтарган иморатингиз ёки мол-дунё, кийим-кечакларингизнинг бир зумда кулга айланиши сизга, соғлигингизга қандай таъсир қилиши ҳақида бир ўйлаб кўринг-а?!

Янгийўл шаҳар 9-мустақил ҳарбийлашган ўт ўчириш қисми ходимлари ўтган олти ой давомида 25 та корхона ва ташкилотни, 530 та шахсий, кичик корхонани ва вазирликка қарайдиган бошқа ташкилотларни назоратдан ўтказдилар, уларга тегишли ёзма кўрсатмалар берилди. Мазкур ёзма буйруқларни бажармаган, ёнғин қоидаларига риоя қилмаган 401 жавобгар шахсга нисбатан 21109 сўм пул жаримаси солинди, 41 кишига маъмурий огоҳлантириш берилди. 206 мансабдор шахс эса 17330 сўм жарима тўлашди. Корхона ва ташкилотларнинг иши 74 маротаба вақтинчалик муддатга тўхтатилди, 460 та носоз электр ускунаси ва носоз печкалар ўчирилди.

Шунга қарамай шу йилнинг олти ой давомида 38 та ёнғин содир бўлди. Уларнинг 28 таси фуқаролар турар жойларида, 10 таси эса корхона ва ташкилотларда содир этилган. Шу йилнинг 7 июнь куни соат 22 дан 27 дақиқа ўтганда, электр тармоқларининг тўқнашуви орқали Янгийўл шаҳар марказий касалхонасининг жарроҳлик омборхонасида ёнғин содир бўлди. 12 июнь куни соат 20 га яқин пайвандлаш вақтида ёнғин қоидасига риоя қилмаганлиги туфайли Янгийўл консерва корхонасининг шарбат тайёрлаш шаҳобчаси ертўласидан ўт чиқди. 30 июнь куни Заводская тор кўчаси 73-уйда истиқомат қилувчи Парадовнинг 7 ёшли ўғли Умарбек олов билан ўйнаб, азойи баданини куйдириб қўйди ва касалхонага тушди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо бу мисоллар ёнғиннинг олдини олиб қолмайди. Ёнғинга қарши курашнинг асосий йўли сиз ва бизга боғлиқ. Бу курашнинг биринчи бўғини — эҳтиёткорликдир, масъулиятдир. Айниқса, ёшлар ва фарзандларимиз олдидаги жавобгарликдир. Зеро, ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олиш осонроқдир. Тилсиз ёвнинг кишиларга моддий талофат етказиб, инсон умрига завол бўлишига йўл қўймаслик учун ёнғин ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни асло унутманг. Бепарво бўлманг. Шундагина сиз ва биз ўз вазифамизни сидқидилдан адо этган бўламиз.

**Э. МАНАБАЕВ,**
**Янгийўл шаҳридаги 9-мустақил ҳарбийлашган ўт ўчириш қисмининг нозири, ички хизмат капитани.**



*Тўйтепа шаҳрида «Шеразим» чойхонаси очилди. Уруш қатнашчиси Шеразим ота гарчи орамизда йўқ бўлсаларда қизи Муборак Абдуллаева келажакда маҳалладаги қуролдош дўстлари учун чойхона қуриб бериш ҳақидаги васиятини амалга оширди.*

*СУРАТДА: (чапдан ўнгга) уруш қатнашчилари Аҳмаджон Турсунбоев билан Абдураҳмон Усмоновлар.*

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

• *«Қорадори —95» операцияси*

## КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

Милиция старшинаси Раҳим Аҳмедов Андижон вилояти орқали ўтадиган «Жалолобод-Бишкек» поездидаги ёшгина қизчага эътибор берди — у камарини тўғрилиб, атрофга олазарак қарар эди. Текширув ўтказилгач маълум бўлдики, қирғизистонлик Елена Михеева исмли бу йўловчи мўмай пул орттириш мақсадида Россияда сотиш учун бир ярим килограмм қорадори олиб кетаётган экан.

Чеченистонлик меҳмон Луиза Мударова бангфурушлар орасида ўзига хос рекорд қўйди. У бошқа йўловчилардан ажралиб турмаслик учун ўзбекча миллий кўйлак, лозим кийиб олган эди. Шу тариқа у темир йўл транспортидаги тартиб посбонларини ғафлатда қолдирмоқчи эди. Бироқ милиция сержанти Ғофур Шерматов унинг ҳийласини сезиб қолди — Мударованинг хўжалик сумкасидан 15 килограмм қорадорини топди.

Андижон станциясидаги милиция бўлими ходимларининг ташвишлари кўп. — Халқ хўжалиги юклари ва йўловчилар мол-мулки сақланишини таъминлаш, наркотик моддаларни олиб ўтишга вақтида чек қўйиш керак. Бунинг учун вокзалларда ва аэропортларда доимий навбатчилик ташкил қилинган. Натижада «Оқ ажал» йўлига ишончли ғов қўйилди.

**(ЎзА).**

## ТЕННИС КОРТИ ПАРДОЗЛАНАЁТИР

НАМАНГАН. Совет туманида қад ростлаётган теннис корти қурилишини 2-трестнинг 151-механизациялашган жамламаси азаматлари ҳар қачонгидан ҳам авж олдирдилар. Бу ерда иккита спорт зали, маъмурий бинолар, ресторан, чўмилиш хоналари барпо этилди. Абдуҳаким Йўлдошев, Исоқжон Худойбердиев, Саидҳаким Шодмонов бошлиқ бригадалар иморатсозлари залларга мармар ётқизиш, витражлар ўрнатиш ишларини юқори суръатда уддаламоқдалар.

Тўрақўрғонлик пайвандчилар сантехника жиҳозларини ўрнатмоқдалар. Катта залдаги гилам-поёндоз ишини германиялик мутахассислар бажаришади. Умуман, ёзги ва қишки заллар, тўртта машқ майдони, ўйингоҳ ва томошабинлар ўтирадиган 2700 ўринли майдонлар ҳозирланди. Бу ишларни 1-, 2-трест қурувчилари бунёд этдилар.

**Т. СУЛАЙМОНОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

Республика Телемаркази жамоаси Телемарказ муҳандиси **Одилжон Хузуржон ўғли ОХУНЖОНОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия билдирадилар.


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

*1995 йил ҳисобига аспирантурага қабул қилишни*

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРА:** *биофизика (1), генетика (1), экология (1), тупроқшунослик (1), жараёнларни автоматлаштириш (2), умумий деҳқончилик (1), қишлоқ хўжалик мелиорацияси(1), агрокимё(1), селекция ва уруғчилик(1), сабзавотчилик (2), ўсимликшунослик (1), ўсимликларни ҳимоя қилиш (2), хусусий зоотехния (3), иқтисодиёт назарияси (2),қишлоқ хўжалик ҳайвонлари гигиенаси (1).*

**СИРТҚИ АСПИРАНТУРА:** *генетика (1), ботаника (1), қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш (1), умумий деҳқончилик (1), селекция ва уруғчилик (1), ўсимликларни ҳимоя қилиш (1), хусусий зоотехния (3), микроиқтисод (1).*

**Аспирантурага кираётганлар университет ректори номига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

***ариза, шахсий варақа, таржимаи ҳол, иш жойидан тавсиянома, чоп этилган ишларнинг рўйхати ёки ихтисос бўйича ёзилган реферат, диплом, синов ва меҳнат дафтарчаларидан кўчирма.***

**Аспирантурага кираётганлар ихтисоси бўйича, фалсафа ва чет тилидан кириш имтиҳонларни топширадилар.**

***Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг қабул қилинади.***

**Ҳужжатларни юбориш манзилгоҳи:**

*700183, Тошкент-183, ТошДАУ, аспирантура бўлими.*

**Тел.: 63-76-68.**



# Ишбилармонлар диққатига !

## *Миллий Банкнинг кичик ва ўрта бизнесга техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш буйича янги дастури*



*"Бу муваффақият сари йўлдир"*



Агар Сизда самарадор лойиҳавий фикр ва уни амалга ошириш учун эркин валютада кредит керак бўлса, Миллий Банк қошида махсус тузилган бўлим лойиҳангизнинг режасини тайёрлашда, бизнес-режа ишлаб чиқишда ва лойиҳанинг оптимал таъминот схемасини танлашда ёрдам кўрсатади.

Кўриб чиқиш учун маҳсулоти экспортга, ёки импортни камайтиришга мўлжалланган лойиҳалар қабул қилинади.

Кредит ҳужжатларини тайёрлаш ва бу борада керак бўладиган маслаҳатларни, бланк қоғозларини банкнинг барча бўлимларидан олишингиз мумкин.

Лойиҳаларга қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

- кредит миқдори 100 мингдан 5 млн. АҚШ долларигача;
- кредитдан фойдаланиш муддати 10 йилгача;
- ўз маблағлари кўчмас мулк билан биргаликда лойиҳа харажатларининг 25 фоизини ташкил этиши лозим;
- кредит кафолат, суғурта ёки мулк гарови билан таъминланиши шарт.

Барча саволлар бўйича қуйидаги телефонлар орқали Миллий Банк бўлимларига мурожаат этишингиз мумкин.

| Телефонлар | |
|---|---|
| Бошқарма | (3712) 337151 |
| Банк бўлимлари | |
| Андижон | (37422) 67394 |
| Бухоро | (36522) 36973 |
| Гулистон | (36722) 37941 |
| Жиззах | (37222) 63948 |
| Қарши | (37522) 44921 |
| Навоий | (43622) 34167 |
| Наманган | (36922) 66587 |
| Нукус | (36122) 74882 |
| Самарқанд | (3662) 335750 |
| Термиз | (37622) 46807 |
| Тошкент | (3712) 544869 |
| Урганч | (36222) 65356 |
| Фарғона | (37322) 41614 |

***Биз ишингизнинг ривожланишига кўмаклашамиз!***





ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Ахборот 36-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — К. Рихсиев. Навбатчи — Ў. Ҳайдаволов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0303. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топширилди — 22.15.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 1 2 3 4 5 6